



Шайх Мухаммад Солих Ал-Мунажжид

Бисмиллахир Рохманир Рохийм

### **Муқаддима**

Барча хамд Аллоҳ учундир! Биз У Зотга хамдлар айтамиз, Ундан мадад тилаймиз, истиғфорлар сўраймиз! Нафсларимизнинг ва амалларимизнинг ёмонлигидан паноҳ беришини ўтинамиз. Зоро, Аллоҳ хидоятга бошлаган инсонни хеч ким йўлдан адаштира олмас ва У адаштирган кимсани энди хеч ким хидоятга етаклай олмайди. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўклигига гувоҳлик бераман. У Ёлгиз ва шериксиз Зотдир. Яна гувоҳлик бераманки, Мухаммад саллаллоҳу алайхи ва саллам Унинг кули ва расулидир. У зотга, ахли оиласида, асхобларига ва уларга гўзал амаллар билан Киёматга кадар эргашган барча мўминларга Аллоҳнинг кўпдан-кўп салоти-саломи бўлсин.

Аммо баъд:

Аллоҳ субханаҳу ва таъоло барча мўминларга тавба қилишни буюрди:

«... Барчаларингиз Аллоҳга тавба қилинглар, эй мўминлар! Шоядки (шунда) нажот топсангизлар».

Инсонлар икки тоифага бўлинадилар: Тавба килиб Аллоҳга кайтувчилар ва осийлар.

«... Ким тавба килмаса, бас, ана ўшалар золим кимсалардир».

Биз хозир жуда кўплаб одамлар Аллоҳнинг динидан адашиб узоклашган ва гуноҳ-маъсиятлар кенг таркалган даврда яшаяпмиз.



Аллох бунга йўл кўйиб берган бўлса хам, Унинг нури (йўли) мукаммалдир. Шунинг учун хамма хам бирдек гафлатда эмас. Чин мўминлар Аллох олдидаги вазифаларини тўлик адо этолмаётгандаридан огохлар, ўзларининг эътиборсизликлари ва гунохларидан каттик пушаймонлар. Шунинг учун улар тавба машъали томон интилмокдалар. Бошкалар эса бу бечора хаётда бечора бўлиб яшашдан жуда чарчаганликлари учун зулматдан нурга олиб чикадиган йўлни изламокдалар.

Бу одамлар уларни тавбадан тўсиб турувчи кўплаб тўсикларга дуч келади. Бу тўсикларнинг баъзилари уларнинг ўзида ва баъзилари жамиятдадир.

Ушбу мўъжазгина китобчани ана шундай чалкашликларни ечиб, шубхалардан халос бўлишда, илм-хикматни тушунишингизда ва шайтонни ўзингиздан хайдашингизда сизга ёрдам бўлар, деган умидда ёздим.

Аллохдан ушбу сўзларни менга ва мусулмон биродарларимга фойдали этишини сўрайман. Ўкувчи биродарларимдан эса: Мени дуо килишларини насихатларимни кабул этишларини ўтинаман холос. Аллох барчамизнинг тавбаларимизни кабул килсин!

Шайх Мухаммад Солих ал-Мунажжид.

#### **Гунохларни енгил санашининг хавфи**

Аллох бандаларини холис тавба килишга буюрди ва буни вожиб килди.

«Эй мўминлар, Аллохга холис тавба килинглар, ...».



Инсонларнинг амалларини ёзиб турувчи улуг фаришталар амалларимизни ёзиб кўйишларидан олдин Аллоҳ таъоло бизга тавба килиш учун муҳлат берган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам дедилар: «Чап елкадаги ёзиб тургувчи мусулмоннинг гуноҳ амалини ёзишдан олдин каламини б соат мобайнида кўтариб туради. Агар у (мусулмон шу вакт ичидা) пушаймон бўлиб Аллоҳдан магфират сўраса, ўша амал ёзилмайди. Акс холда битта (гуноҳ) амал, деб ёзиб кўйилади». Келажакда бериладиган жазолар ўлим келгунга кадар ёзиб кўйилган амалларга кўра берилади.

Афсус-надоматлар бўлсинки, хозирги одамларда Аллоҳдан умид ва кўркув йўколган. Улар хар турли гуноҳларни кеча-ю кундуз маҳкам тутиб Аллоҳга осий бўлишмокда. Айрим кимсалар гуноҳларни кичик-хакир санаш дардига чалингандар. Шунинг учун уларнинг гуноҳларга эътибор бермаётганликларини -»Номахрамларга караш ёки улар билан кўл бериб кўришишнинг кандай зарари бор?»- деяётганларини-кўрасиз. Улар журнал ёки телевизорда аёлларни кўрганларида хеч нарсани ўйламайдилар. Уларга: «Ахир бу харом-ку!»- десангиз, жуда кулгили бўлса хам, уялмасдан: «Буни нимаси ёмон? Бу катта гуноҳми ёки кичкина гуноҳми?»- деб сўрайдилар. Бу холатни куйидаги Имом Бухорий — рахимахуллоҳ —нинг ривоятлари билан бир таккослаб кўринг.

Анас разияллоҳу анху деди: «Сизлар шундай амалларни киляпсизларки, улар назарингизда килдан хам арзимас ва майдадир. Холбуки, биз уларни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам даврларида халок килгувчи амаллардан хисоблардик».



Ибн Масъуд разияллоху анху деди: «Мўмин учун гунохлар устига кулашидан кўрккан холда бир тогнинг тагида ўтирганидекдир. Кофир учун эса гунохлари бурнига кўнган бир пашшани кувиб юборишдекдир».

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам марҳамат килдилар: «Кўпинча мухим эмас, деб ўйланадиган кичик гунохлардан эҳтиёт бўлинглар. Чунки бу бир водийнинг этагига кўнган бир гурух кишиларга ўхшайди. Улардан бири бир чўп олиб келди ва бошкаси хам битта чўп олиб келди. Натижада овкатларини пишириб олишлари учун етарли ўтин тўплашди. Агар киши кичик гунохларидан хисоб килинса, уни халок килиши мумкин». Бошка бир ривоятда эса шундай дейилган: «Кичкина гунохлардан эҳтиёт бўлинглар, чунки улар тўпланиб кишини халок килади».

Олимлар агар кичкина гунохлар килинганда кишида хаёсизлик, ундан пушаймон бўлмаслик, Аллоҳдан кўркмаслик ва уни арзимас-хакир деб билиш жамланган бўлса, бу катта гунох деб хисобланиш хавфи бор, дейдилар. Унутманг: Кичкина гунох, агар сиз уни доимий равища килсангиз, кичкина саналмайди. Агар сиз мудом тавба килсангиз, катта гунох хам, катта бўлмай колади.

Ушбу холатдаги кишига биз шундай деймиз: Сиз бунинг катта ёки кичкина гунохлиги хусусида эмас, итоат килмаётганингиз – Яккаю Ёлгиз Зотни ўйланг.

Иншааллох мана шу сўзлар гунох ва камчиликларига бефарк карамайдиган, гунох устига гунох килмайдиган ва гунохларга ёпишиб олмайдиган кишилар учун фойдали бўлади.



Ушбу сўзлар Аллохнинг каломига иймон келтирган кишилар учундир. «(Эй Мухаммад (а.с)), бандаларимга Ёлгиз Менинг Ўзимгина Магфиратли, Мехрибон эканлигимни ва Менинг азобим энг аламли азоб эканлигини хабар килинг!».

### Тавба кабул бўлишининг шартлари

«Тавба» сўзи жуда чукур маънога эга. Шулардан бири – «кайтиш». Айримлар ўйлагандек, фактат лабнинг ўзини кимирилатиб кўйиб яна ўша гунохини килавериши мумкин, дегани эмас. Куйидаги оятни тушунишга харакат килиб кўрсангиз, тавба килиш магфират сўрашдан хам олийрок бир амал эканини кўрасиз.

«(Аллоҳ сизларга амр килурки), Парвардигорингиздан магфират сўранглар, сўнгра Унинг Ўзига тавба килинглар ...».

Бундай буюк ва муҳим ишнинг маълум шартлари бўлиши шубҳасизdir. Олимлар Куръон ва Суннатга асосланган холда унинг шартларини белгилаб берганлар. Улар куйидагилар:

- Гунохдан дархол тўхтамок;
- Килган гунохлари учун пушаймон бўлмок;
- Шу гунохни бошка килмасликка карор кilmok;
- Гунох туфайли азият чекканларнинг хаккини адо этиш ёки узр сўраш;

Баъзи олимлар холис тавбанинг шартлари хусусида кўпроқ маълумотлар берган. Куйида биз ўша маълумотларни мисоллар билан



келтириб ўтамиз.

1. Маълум бир гунох ишни энди кила олмаслиги ёки одамларнинг гапсўзидан кўркиш каби сабаблар туфайли эмас, балки холис Аллоҳ учун маъсиятни тарк килмоги лозим.

Одамлар ўртасидаги обрўси, ёки мансабига путур етиб колишидан кўркиб гунохдан тийилган бўлса, бу киши тавба килмабди.

Агар бир киши саломатлик ёки кучсизлик туфайли яъни бузуклик каби гунохлардан даъвосиз дард-касалликлар юкиши ёки танасини ва хотирасини заифлаштиришидан кўрккани учун тийилган бўлса, бу киши хам хакикий тавба килмабди.

Агар бир киши порани пора берадиган киши миллий хавфсизлик ходимларидан бири ёки тузок бўлиши мумкин, деган максадда олмаётган бўлса, бу киши хам хакикий тавба килмабди.

Агар бир киши маст килувчи ичимлик ёки гиёхванд моддаларини пули йўклиги боис истеъмол килмаётган бўлса, бу киши хам тавба килмабди.

Агар бир киши мувозанатини саклай олмаслигидан кўркиб гунохдан тийилган бўлса, бу киши хам тавба килмабди. Тилсиз колган ёлгончи, юкумли касаллик [СПИД]га чалинган зинокор ва халокатга учраб кўл ёки оёгидан ажраб колган ўгри, ... хам тавба килмабди. Буларнинг барчаси килган ишлари учун пушаймон бўлишлари ва такрор килмасликка катъий аҳд беришлари керак.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат килдилар: «Пушаймон бўлмок – тавбадир».



Аллох наздида бир гунох ишни килишга имконияти бўлмаган киши агар ўша гунохни килишни каттик согинса, у ўша гунохни килувчилар сафида саналади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат килдилар: «Бу дунёда факат тўрт тоифа инсонлар бор. (Биринчиси): Унга Аллоҳ бойлик ва илм берган ва у берилган нарсаларда Аллоҳдан кўркади. Бу неъматларни силаи раҳмни мустахкамлаш ва зиммасидаги Аллоҳнинг хакларини бажариш учун ишлатади. Унинг даражаси энг юкорида. (Иккинчиси): Унга Аллоҳ илм берган, аммо бойлик бермаган. Унинг нияти холис ва «Агар бойлигим бўлганида, мана бундай, мана бундай (солих амаллар)ни килардим», - дейди. У ниятига яраша мукофотланади ва уларнинг даражалари тенг бўлади. (Учинчиси): Унга Аллоҳ бойлик берган, аммо илм бермаган. У бойлигини бекорчи нарсаларга сарфлайди. Бойлигини сарфлашда на Аллоҳдан кўркади, на силаи раҳмни мустахкамлашни ва на Аллоҳнинг хакларини бажаришни ўйламайди. Унинг даражаси энг пастдир. (Тўртинчиси): Унга Аллоҳ бойлик хам, илм хам бермаган. У: «Агар бойлигим бўлганида, мана бундай-мана бундай (гунох амаллар)ни килардим», - дейди. Бу билан у ниятига яраша жазоланади ва уларнинг гунохлари тенглашади».

2. Тавба килган киши ўтган гунохини харом, жирканч, кабих ва зарарли деб билсин. Агар киши холис тавба килса, аввал килган гунохларини эслаганда ёки келажакда килмокчи бўлганда ундан завқ ва роҳат туймайди. Ибн Койим — раҳимаҳуллоҳ — «ад-Дау вад-Давау» ва «Фавоид» номли китобларида гунохнинг бир канча зарарли таъсирларини санаб ўтган. Мисол учун:

- Илмнинг йўқолиши;
- Калбнинг таъсирланмаслиги;
- Жисмоний заифлик;



- Хушуънинг йўқолиши;
- шарманда бўлиш;
- хаёнинг йўқолиши;
- барака йўқолиши;
- ёмон окибат;
- ёмон амалларга кўл уриш;
- гунохга одатланиш;
- Аллоҳдан узоклашиш;
- жонзотларнинг лаънатлаши;
- охиратда жазоланиш;
- шайтонга алданиб колиш;
- Аллоҳнинг раҳматидан узок бўлиш;
- тавфиксиянг йўқолиши;
- сикилиш;
- одамлар олдида даражасининг пасайиши;
- калб муҳрланиши ва Аллоҳнинг лаънатига дохил бўлиш;
- калбдан хавф ва кўркув хиссининг йўқолиши;
- дуоларининг ижобат бўлмаслиги;
- курукликда ва сувда бузгунчилик;
- хурмат ва обрўсининг йўқолиши;
- Аллоҳнинг газабига дучор бўлиш;

Гунох килишнинг ушбу заарли окибатлари кишини барча гунохлардан узокрок бўлишга ундейди. Аммо баъзи кишилар гунохнинг бир туридан дархол тийила олмайдилар ва бошка бир турига ўтиб оладилар. Бунинг сабаби кўпинча куйидагилар бўлади:

- Янги гунох унчалик катта саналмайди, деб ўйлашади;
- Уларнинг гунохга бўлган мойилликлари жуда кучли бўлади;
- Атроф-мухитнинг гунох килишга кулайлиги;



- Якинларининг ўша гунох ишни килиши ва улардан ажралишнинг кийинлиги;
- Ўша гунох ишни килиш танишлари ўртасида унинг обрўсини кўтариши ва ана ўша обрўдан маҳрум бўлишдан кўркиш;

Банда тавбага шошилмоги лозим, чунки уни кечиктиришнинг ўзи хам бир гунохдир.

Банда килаётган тавбаси бекорга кетиб колишидан кўркмоги ва тавbam кабул бўлди, деб хотиржам бўлиб колмаслиги керак.

Аллохнинг тадбиридан омонда колдим, деб ўйламасин.

Банда аввалда йўл кўйган камчилик-хатоларини тўлдириб бормоги лозим. Мисол учун молининг закотини бермаган бўлса, тавба килганидан сўнг ўша ишини тўғирласин. Чунки бу Аллохнинг хакки, шу билан бирга закотда факир-мискинларнинг хам хакки бор.

Банда гунох иш килаётганлар билан бирга юрмасин. Чунки унинг маъсият ерида бўлиши -агар у ўша гунохни килмаётган бўлса хам-унинг хисобига гунох ёзилишига сабаб бўлади.

Банда гунох килишга ёрдам бермокчи бўлганлардан ўзини олиб кочсин.

«У Кунда дўстлар бир-бирларига душмандир, магар (Аллох Йўлида дўстлашган) такводор зотларгина (мангу дўстдирлар)».

Энг якин дўстлар хам У Кунда бир-бирларига душман бўлиб колади. Сизнинг даъват ва насиҳатларингизга дўстларингиз кулок солмас экан, нима учун улардан узоклашмайсиз, уларни тарк этиб бошқаларни даъват килмайсиз?! Шайтоннинг даъват баҳона уларга



бориб кўшилишга ундан килаётган васвасаларига учманг.  
Кўпчиликнинг эски гунохларни яна килишига эски ўртоклари сабаб  
бўлади.

Банда ўзи эгалик килиб турган жойини маст килувчи ичимликлар,  
мутика асбоблари, харом расм, фильм, адабиётлар каби  
напокликлардан тозаласин. Улар синдирилиши, ёкилиши ёки  
бартараф килиниши лозим. Кўп холларда бундай нарсаларни саклаб  
кўйиш кишиларнинг хидоятга эришгандан сўнг тавбаларидан юз  
ўгириб яна залолатга ботишларига сабаб бўлган! Аллох барчамизни  
Ўзининг Хак Йўлида сабит килсин!

Банда такволи кишиларни дўст тутсин. Каерда Аллох зикри бўлса,  
каерда илм олиш имкони бўлса, ўша ерга шошилсин. Вактларини  
гунохларини ювиш учун амал килишга сарфласин, шунда шайтон  
ўтмишини эсга солиш учун имкон тополмайди.

Банда харом билан сугорилган жисмини Аллохга итоат килиш ва  
халол ризк топиш билан кайта тарбияласин. Шунда у кувватли бўлади.

Банда жони бўгзига тикилишидан ва куёш гарбдан чикишидан олдин  
тавба килиб колсин. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам  
марҳамат килдилар: «Ким ўлим гаргараси томокка келишдан олдин  
тавба килиб колса, Аллох кабул килади».

«Ким агар куёш гарбдан чикишидан олдин тавба килиб колса, Аллох  
тавбасини кабул килади».

### Чин тавба-тазарру

Энди бу умматнинг собиқинлари, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва



саллам асхобларининг тавбаларидан бир неча мисоллар келтириб ўтамиз.

Бурайда разияллоху анхудан: «Маъиз ибн Молик Асламий Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг хузурларига келиб: «Ё Расулуллох, мен зинога йўл кўйиб ўзимга зулм килдим. Мени поклашингизни сўрайман», - деди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам ундан юзларини бурдилар. Эртаси куни у яна келиб: «Ё Расулуллох, мен зино килдим», - деди. Бу сафар хам Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам ундан юзларини бурдилар. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам унинг кавмини чакиртириб: «Унинг хулкида бирор-бир нуксон кўрганмисизлар? Бирор марта бўлса хам, унинг галати хатти-харакат килганини кўрганмисиз?» - деб сўрадилар. Улар: «Биз уни яхши (если-хушли) деб биламиз. Уни доим такводорлар билан бирга кўрардик», - дедилар. Маъиз учинчи куни хам Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг хузурларига келди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам унинг кавмини яна чакиртирдилар. Улар Маъизда адашиш ёки аклида бирор заифлик йўклигини айтишди. Тўртинчи куни Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам унинг учун бир чукур каздирдилар ва тошбўрон килишга буйрук бердилар.

Фомидийлик бир аёл келиб: «Ё Расулуллох, мен зино килдим, мени покланг», - деди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам ундан юз буриб кетдилар. У эртаси куни хам келиб: «Мендан нима учун бурилиб кетяпсиз? Маъиздан бурилиб кетганингиздек мендан хам бурилиб кетаяпсизми? Аллохга касамки, мен хомиладорман», - деди. Набий соллаллоху алайхи ва саллам: «Ундай бўлса, йўк (яъни сенга жазо беришни бўйнимга олмайман). Бор, болани тукканингдан кейин келгин», - дедилар. У тукканидан кейин боласини бир матога ўраб, олиб келди. «Мана мен тугдим», - деди. Расулуллох соллаллоху алайхи



ва саллам: «Бола таом ейдиган бўлгунча эмизгин», - дедилар. Бола таом ейдиган бўлганда, аёл болани кўтариб келди. Боланинг кўлида бир парча нон хам бор эди. «Ё Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам мана, мен уни ўзи таом ейдиган бўлгунича эмиздим», - деди. Сўнг бола бир исломий оиласа берилди ва Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам кўкрак баробар чукур казишни буюрдилар. Аёл тошбўрон килинди. Холид ибн Валид бир тошни унинг бошига отган эди, юзига кон сачради. Шунда Холид ибн Валид аёлни хакоратлайдиган бир сўз айтди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «Ўзингни бос, эй Холид! Жоним кўлида бўлган Зотга касамки, У шундай тавба килдики, агар ўлпон йигувчи шундай тавба килса, магфират килинган бўларди», - дедилар».

Бошка бир ривоятда эса: «Умар разияллоху анху: «Ё Расулуллох, сиз уни тошбўрон килдириб, энди унинг жанозасини ўқимокчимисиз?» - деди. Набий соллаллоху алайхи ва саллам: «У шундай тавба килдики, агар Мадинадаги етмиш кишига таксимланса, кифоя килади. Аллох учун ўз жонини берган бирор кишини биласанми?» - дедилар».

### Тавба ўтган гунохларни ювиб юборади

Айримлар: «Тавба килишни хоҳлайман, лекин Аллохнинг мени кечиришига ким кафолат бера олади. Хак йўлда юришни хоҳлайман, лекин иккиланаяпман. Агар Аллох мени шубҳасиз кечиришини билганимда, дархол тавба килардим», - дейиши мумкин.

Биз унга шундай жавоб берамиз: Бундай тараддуд сахобаи киром разияллоху анхуларда хам бўлган. Мана бу икки ривоятни яхшилаб уксангиз, бундай хаёллардан буткул кутиласиз, иншааллох.



Имом Муслим Амр ибн Ос разияллоху анхунинг исломга киришини шундай ривоят килади:

«... Аллох исломга бўлган мухаббатни калбимга солди ва мен Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг хузурларига бордим:

- Кўлингизни беринг, ё Расулуллох, сизга байъат бераман,- дедим.  
Набий соллаллоху алайхи ва саллам кўлларини узатдилар, аммо мен кўлимини тортиб олдим.

- Нима бўлди, эй Амр,- деб сўрадилар Набий соллаллоху алайхи ва саллам.

- Бир шартим бор,- дедим.

- Канака шарт?- дедилар.

- Менинг магфират килинишим!- дедим

- Билмайсанми, эй Амр? Ислом ўзидан аввалги барча гунохларни ювиб юборади. Хижрат ўзидан олдинги барча гунохларни ювиб юборади. Хаж ўзидан олдинги барча гунохларни ювиб юборади,- дедилар Набий соллаллоху алайхи ва саллам».

Имом Муслим Абдуллох ибн Аббосдан ривоят килади: Мушриклардан баъзилари котиллик килган эди. Котиллик буюк гунохдир. Баъзилари зино килишган эди ва зино хам буюк гунохдир. Кейин улар Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг олдиларига келиб айтдилар:

«Сизнинг сўзларингиз ва хукмларингиз хак. Айтингчи, бизнинг килиб келган ишларимизга каффорат бўладиган амал борми?».



Сўнг Аллоҳ ушбу оятларни нозил килди:

«Улар Аллоҳ билан бирга бошка бирон илохга дуо-илтижо килмаслар ва Аллоҳ (ўлдиришни харом килган) бирон жонни ноҳак ўлдирмаслар хамда зино килмаслар. Ким мана шу (гунохлардан биронтасини) килса, укубатга дучор бўлур».

«(Эй Мухаммад (а.с)), Менинг (турли гунох-маъсиятлар килиш билан) ўз жонларига жиноят килган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гунохларини магфират килур. Албатта Унинг Ўзигина Магфиратли, Мехрибондир».

«Нур»- 31

«Хужурот»- 11

«Тахрим»- 8

Табароний ва Байҳакий ривояти. Албоний хасан, деган

Бухорий ривояти

«Хижр»- 49-50

«Худ»- 3

Ахмад ва Ибн Можа

Ахмад ва Термизий ривояти, сахих

«Фавоид хадис»дан олинди

«Зухруф»- 67

Имом Ахмад ва Термизий ривояти

Муслим ривояти

Муслим ривояти

Абдурраззок «Ал-Мусаннаф» номли китобларида ривоят килган

Муслим ривояти

«Фуркон»- 68

«Зумар»- 53